

Бақара сураси, 14-оят

12:15 / 04.07.2017 6432

مَيِّحٌ رَّالٍ مِّنْ حُرِّ رَّالٍ لَّوْلَ مَا سَبَّ

أَنْ أُولَاقٍ مَّوَنِي طَايَشَ لَّوْلَ أَوْلَاقٍ إِذْ وَأَنْ أُولَاقٍ أُولَاقٍ أُولَاقٍ أُولَاقٍ أُولَاقٍ
نَ وَوَزَهَتْ سُمُّ نَحْنُ أُمَّنِ أُمَّنِ أُمَّنِ أُمَّنِ أُمَّنِ

Қачон иймон келтирганларни учратсалар: «Иймон келтирдик», - дерлар, шайтонлари билан холи қолганларида эса: «Албатта, биз сизлар биланмиз, биз истеҳзо қияпмиз, холос», - дерлар. Бақара 14.

Ушбу оятдан билинадикки, мунофиқлар иккиюзламачи, қўрқоқ ҳам бўлишади. Мўминларнинг даврасига кириб қолсалар, «Биз ҳам мўмин-мусулмонмиз, отам фалончи эди, бобом писмадончи эди, мен дин учун у қилдим, бу қилдим, келажакда яна кўп ишлар қилмоқчиман», - деб кўкракка урадилар. Бор имкониятларини ишга солиб, мўминларнинг ишончини қозонишга уринадилар. Аммо дилларидаги ҳақиқатни айтишга қўрқоқлик қиладилар. Ўз тоифасига - шайтонларига йўлиққанда эса аслини ошкор этадилар: уларнинг таъна-дашномларини кутмасданоқ, «Аслида биз сизлар билан биргамиз, мўминлар билан учрашганимизнинг боиси эса уларни бир масхара қилиш эди», - дейишади.

Мунофиқлар «Мўминларнинг устидан куляпмиз», - дейишади-ю, лекин ўзларининг ҳолларидан хабарлари йўқ. Чунки ким кимнинг устидан кулиши кераклигини Аллоҳнинг Ўзи яхши билади.